

2022 йил \_\_\_\_\_ даги  
Жамият Кузатув кенгаши  
№ \_\_\_\_\_ йиғилиши қарори билан

**М а ъ қ у л л а н г а н**

\_\_\_\_\_ Ғ.Қаршибоев

**“Навоийдонмахсулотлари» акциядорлик  
жамияти молия-хўжалик фаолиятини  
ривожлантириш бўйича**

**2023 йил учун мўлжалланган**

**БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

# **МУНДАРИЖА**

## **I. Корхона тўғрисида умумий маълумот**

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;*
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;*
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;*
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;*
- 2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;*
- 2.3 Ислоҳ қилишининг 2023 йил учун режаси;*

## **III. Бозор ва маркетинг режаси**

- 3.1 Бозор таҳлили*
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*
- 3.3 Рақобат*
- 3.4 Маркетинг режаси*

## **IV. SWOT-таҳлили**

## **V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**

- 5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати*

## **VI. Кўрсаткичлар**

### **6.1 Ишлаб чиқариш режаси**

- 6.1.1. Хомашё захираси;*
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари*
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати*
- 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси*

### **6.2 Молиявий режа**

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар*
- 6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)*
- 6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)*
- 6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш.*
- 6.2.5 Давлат бюджетига тўловлар прогнози*

## **VII. Иш хақи тўлаш тизими**

## **VIII. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш**

## К И Р И Ш

Бизнес-режа жамиятнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатдир. У жамиятнинг иш жараёнини тасвирлаб, бошқарувнинг режалаштирилган мақсадларига қай тариқа эришишларини, аввало мулжалланган тадбирларни даромадлигини амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа корхонани тараққиётга эришишга, бозорда мавқеъларни қўлга киритишга, ўз таркатиётнинг истиқболларини белгилаб олишга, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга ҳамда белгиланган режа тадбирларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини танлаб олишга ёрдам беради.

Бизнес-режа доимий ҳужжат бўлиб, мунтазам янгилаб борилади, унга ҳам корхонанинг ичида, ҳам умуман иқтисодиётдаги шароитларга қараб рўй берган ўзгартиришлар киритилади.

Бизнес –режа жамият тараққиётининг умумий концепциясига асосланган бўлиб, ривожланиш стратегиясининг иқтисодий ва молиявий жихатларини бир мунча батафсил баён этади, аниқ чора-тадбирларни техник-иқтисодий жихатдан асослаб беради. У стратегиясини амалга ошириш техник, ташкилий ва иқтисодий ўзгаришларнинг маълум вақтгача узаро маҳкам боғланган бутун бир тизими сифатида тузилган кенг инвестиция дастурларига асосланади.

Бизнес-режа одатда бир неча йил ичида амалга ошириши керак булган ишларнинг бир қисмини уз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 24-апрелдаги ПФ-4720-сонли фармони, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28-апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва ахамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сонли қарорини жросини таъминлаш ҳозирги куннинг тез ва сифатли юқори савияда бажариш лозим бўлган ўта муҳим вазифалари ҳисобланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ўзгартириш, булажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, жамиятни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш ва уларга қулай шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

-чет эл капитали иштирокида жамият бошқарувини ташкил этиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

-эски бўлимлар ва лавозимларини тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлим ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда жамият бошқариш тузилмасини қайта ташкил этиш;

-жамиятни стратегик бошқариш, бошқарув ходимларнинг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

2016 йилдан 1-январдан бошлаб, жамиятда **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28-июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги №207-сонли қарори бўйича фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича мезонлар жорий этилди.**

Самарадорликни баҳолаш мезонлари белгиланган даврийлик бўйича ҳисобланадиган самарадорликнинг муҳим курсаткичларини ўз ичига олади.

**Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари** (кейинги уринларда СМК деб аталади) ташкилотларнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидан иборат бўлади.

**Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари** фаолиятининг иқтисодий, энергетика, ишлаб чиқариш, инновацион самарадорлиги кўрсаткичларини ва самарадорликнинг бошқа кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин.

**Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари** рўйхати ташкилотининг ваколати бошқарув органи бўлган кузатув кенгаши, у мавжуд бўлмаганда эса-юқори бошқарув органи (хўжалик жамиятлари учун) ёки муассис (давлат корхоналари учун) қарори билан тасдиқланади.

**Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини** ҳисоблашнинг даврийлиги ҳар чоракдан иборат бўлади ва ташкилотнинг ваколатли бошқарув қарори билан белгиланади.

Баҳолаш мақсади учун ҳар бир самарадорлик муҳим кўрсаткичига унинг ташкилот учун аҳамиятини акс эттирувчи салмоқ ўлчови белгиланади. Жамиятга нисбатан татбиқ этиладиган барча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари салмоқ ўлчовлари жами 100 фоизни ташкил қилади.

**Самарадорлик муҳим кўрсаткичларининг проноз (мақсадли) кўрсаткичлари** ҳар бир давр учун бизнес-режада, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида илова сифатида акс эттирилади.

Самарадорлик муҳим кўрсаткичлари проноз (мақсадли) кўрсаткичлари ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдорда (агар кўрсаткичлар учун қонунчиликда меъёрий миқдор белгиланган бўлса) паст бўлмаган даражада белгиланади.

Агар қонунчиликда кўрсаткичлар учун меъёрий миқдор назарда тутилмаган бўлса, проноз (мақсадли) кўрсаткични аниқлаш учун бошқа ташкилот (консультант) жалб этилиши мумкин.

**Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи навбатдаги чорак тугагандан сўнг самарадорлик муҳим кўрсаткичларининг проноз (мақсадли) кўрсаткичларига тузатиш киритиши мумкин.**

Агар самарадорлик муҳим курсаткичларининг проноз (мақсадли) курсаткичига тузатиш киритиш илгари амалга оширилган туловларни қайта ҳисоблашга зарурат

тугдирса, у холда бундай кайта ҳисоблаш учун Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ҳисоблаш йўли билан олинган самарадорлик муҳим кўрсаткичлар миқдорлари уларнинг бизнес-режада белгиланган прогноз (мақсадли) миқдорлари билан ҳисобланган ва мақсадли миқдорнинг фоизли нисбати тарзида (кейинги ўринларда бажариш фоизи деб аталади) таққосланади.

Барча самарадорлик муҳим кўрсаткич бўйича ўртача ҳисобланган миқдор жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (кейинги ўринларда самарадорлик йиғинди кўрсаткичи деб аталади) сифатида ифодаланади.

**Жорий даврда ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофатлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органни моддий рағбатлантириш пули миқдорини самарадорлик йиғинди кўрсаткичига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига биноан ижро этувчи органнинг ташкилот фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициенти кўлланиши мумкин.**

Агар самарадорлик йиғинди кўрсаткич ва уларнинг бажарилиш фоизи барча самарадорлик муҳим кўрсаткичларнинг камида ярмида прогноздан (мақсадли кўрсаткичдан) ошса, ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофатлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдорига нисбатан икки баробар оширилиши мумкин.

Агар самарадорлик муҳим кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан паст бўлса, ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбарига нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилади.

Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги куйидагича эътироф этилади:

**Самарадорлик муҳим кўрсаткичи миқдори 40 фоиздан кам бўлса-кониқарсиз;**

**Самарадорлик муҳим кўрсаткичи миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража хам киради) фоизгача бўлса –паст даражада;**

**Самарадорлик муҳим кўрсаткичи миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража хам киради) фоизгача бўлса- етарли даражада эмас;**

**Самарадорлик муҳим кўрсаткичи миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража хам киради) фоизгача бўлса – ўрта даражада;**

**Самарадорлик муҳим кўрсаткичи миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража хам киради) фоизгача бўлса – етарли даражада;**

**Самарадорлик муҳим кўрсаткичи миқдори 100 фоиздан ошса-юқори даражада;**

Жамиятларда ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти кониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.

Ушбу бизнес-режа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 24-апрелдаги ПФ-4720 сонли фармони ва 2015 йил 28-апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Навойдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2022 йилга мўлжалланган инвестиция дастури, уни амалга ошириш манбалари келтирилган бўлиб, йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирларни самарадорлиги хақида сўз юритилади.

Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган иқтисодий ва молиявий режа кўрсаткичлари, маркетинг, ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари билан таъминлаш, жамият бошқарув органлари, кадрлар сиёсати, иш хақи кўрсатилган самарадорлик муҳим курсаткичи илова қилинади.

## **1. Корхонанинг тавсифномаси.**

### **1.1. Умумий маълумотлар**

**Манзилгоҳи:** Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Ишчилар шаҳарчаси -3 уй, почта индекси:210100. Email:navoidon.uz, navoidon@mail.ru.

**Руйхатга олинган:** Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг 1994 йил 29 - декабрдаги 344-сонли буйруғига асосан ташкил қилинган ва «Навойдонмахсулоти» акциядорлик жамияти деб юритилади. Йирик солиқ тўловчилар шубҳаси томонидан солиқ туловчи юридик шахс сифатида руйхатга олинган.

**Идентификация раками:**

**Берилган (СТИР)** 201295403


**Рахбари:** Ш.И.Шарипов

**МФО:** 00197

**Мақсади:** Ун ва омухта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уруғлик бугдой маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Эмиссия рисоласига кўра “Навойдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг Низом жамғармаси **749725,0** минг сўмни ташкил этиб, 935593 дона оддий ва 1563 дона имтиёзли акцияга бўлинган, хар бир акциянинг номинал қиймати 800 сумдан иборат.

Жамиятнинг мулкида “Ўздонмахсулот” АК улуши 61,12 фоиз – 572756 дона оддий акция, юридик шахслар улуши 23,38фоиз, жисмоний шахслар улуши эса 15,5 фоизни ташкил килади.



### 1.2. Жамиятни бошқариш тизими.

Жамиятни бошқарув органи – Акциядорлар умумий йиглиши бўлиб, ваколатларига Низомни тасдиқлаш йиллик хисоботларни, олинган даромадларни тақсимлаш каби ваколатлар киради. Умумий йиғилишлар орасида Жамият Кузатув Кенгаши томонидан бошқарилади. Жамиятнинг жорий хўжалик фаолиятини бошқариш коллегиял ижроия органи - бошқарув хайъати томонидан, фаолиятнинг барча сохалари бўйича чегараланган мажбуриятларни бўлинмаларга юклатиш принципи асосида амалга оширилади.

**«Навоийдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси**

**АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

Тафтиш комиссияси

**БОШҚАРУВ РАИСИ**

Ички аудит хизмати

**Ишлаб чиқариш бўйича директор**

**Молия ва сотиш бўйича директор**

Бош энергетик хизмати

Транспорт ва логистика хизмати

Бош механик хизмати

Ёрдамчи хўжалик бўлими,

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги хизмати

Ишлаб чиқариш бўлинмалари (тегирмон, омихта ем цехи)

Лаборатория, метрология, сифатни назрат қилиш ва стандартларга риоя қилиш бўлими

Товар моддий бойликларни сотиб олиш ва захираларни бошқариш бўлими

Бошқалар (Идоравий қўриқлаш ва ёнгин хавфсизлиги бўлими, Маъмурий хўжалик бўлими ва Тиббиёт маркази)

Бухгалтерия

Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими

Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими

Ахборот технологиялари бўлими

Маркетинг, реклама, экспорт ва ички сотув бўлими

Ходимларни бошқариш бўлими

Юридик хизмат

Офис-менеджер (котибият, девонхона, кадрлар бўлими)



### 1.3. Ишлаб чиқариш қувватлари.

**“Навоидонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қувватлари қуйидагилардан иборат.**

**а) Асосий ишлаб чиқариш цехлари, қуйидагилар;**

**1-ун ишлаб чиқариш тегирмони.**

Лойиха буйича суткалик 265 тонна бугдойни 3-хил навли яъни олий навли, биринчи навли ва 2-навли ун махсулотлари ишлаб чиқаради ҳамда шу билан бирга манка ун помол буйича ишлаб чиқариш қувватига эга.

**2-ун ишлаб чиқариш тегирмони.**

Лойиха буйича суткалик 300 тонна бугдойни 3-хил навли яъни олий навли, биринчи навли ва 2-навли ун махсулотлари ишлаб чиқаради ҳамда шу билан бирга манка уни помол буйича ишлаб чиқариш қувватига эга. Тегирмон 2015 йилда тўлиқ модернизация қилиниб замонавий юқори унумли энерготежамкор ускуналар билан жиҳозланган..

**Омихта ем ишлаб чиқариш цехи:**

Лойиха буйича суткасига 175 тонна омихта ем ишлаб чиқариш қувватига эга булган омихта ем цехи мавжуд.

**Грануланган омихта ем ишлаб чиқариш цехи:**

Лойиха буйича суткасига 240 тонна грануланган омихта ем ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех мавжуд.

**1-Уруғлик саралаш цехи.**

“Навои Дон кабул килиш” филиалида суткасига 120,0 тонна уруғлик саралаш қувватига эга цех мавжуд. Уруғлик саралаш цехи Германиянинг “Петкус” компаниясининг дастгоҳлари билан жиҳозланган. Сара уруғлик тайёрлаш ҳар йили “Ўздонмахсулот” АК томонидан белгилаб берилган режага асосан белгиланади.

**2-Уруғлик саралаш цехи.**

“Навоидонмахсулотлари” АЖ бош корхонасида суткасига 80 тонна уруғлик саралаш қувватига эга булган уруғлик саралаш цехи мавжуд. Уруғлик саралаш цехи Германиянинг “Петкус” компаниясининг дастгоҳлари билан жиҳозланган. Сара уруғлик тайёрлаш ҳар йили “Ўздонмахсулот” АК томонидан белгилаб берилган режага асосан белгиланади.

Жамиятда дон кабул килиш масумида фойдаланиш учун Хатирчи дон кабул килиш маскани, Навбахор Дон кабул килиш маскани, Конимех дон кабул килиш масканлари мавжуд булиб, фермер хужаликлари етиштирилган ғалла ҳосилини шу ерда кабул килиниб жамиятга қайта ишлаш учун ташиб келтирилади.

**Б) Ёрдамчи бўлимлар:**

Механиклар бўлими

Энергетиклар бўлими

Хом ашё дон омбори: №1-№2-сонли элеваторлар

Материаллар омбори

Тайёр маҳсулот ун омбори

Ишлаб чиқариш лабораторияси

Транспорт бўлими

Темир йўл бўлими

Қуроли қўриқлаш бўлими

Административ бошқарув аппарати

## Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2021 й.	%	2022й.	%
1.	Ун маҳсулотлари	Тонна	129500	49826	38,4	45843	35,4
2.	Омухта ем	Тонна	53400	24658	46,1	21585	40,4
3.	Уруглик бугдой	тонна	24400	9261	37,9	9771	40,0
<b>жами</b>							

### *1.1. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот*

Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органи бу-акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиш «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан 1 йилда камида 1 марта йилнинг биринчи ярмида утказилади.

**Жамиятнинг ташкилий тузилмаси, ишлаб чиқариш заруриятига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 795-сонли қарорига асосан штатлар жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, штат бирлигига тегишли разряд белгиланган ва тариф квалификациясига асосан ойлик иш хақи белгиланган.**

**Жамиятни бошқариш органларига қуйидагилардан иборат:**

1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши
2. Кузатув Кенгаши
3. Ижроия органи

#### **Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши**

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамиятни бошқарашнинг олий органидир.

Жамият акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар қараб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари утказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиқилиш ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар рўйхатини Кузатув кенгаши белгилайди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Кузатув кенгашига сайланадиган аъзолар жамият билан меҳнат шартномасида бўлмасликлари керак.

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат. Кузатув кенгаши ўз фаолиятида Умумий йиғилишда тасдиқланган кенгаш низомига мувофиқ иш юритади.

Жамиятнинг кундалик фаолиятига, раҳбарлик коллегиял ижроия органи (Бошқарув) томонидан амалга оширилади. Жамият бошқаруви жамиятнинг кундалик (оператив) фаолиятига раҳбарлик қилишга доир масалаларни ҳал қилади, у умумий йиғилиш ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади. Жамиятнинг коллегиял ижроия органи Бошқарув жамиятнинг устави ва тасдиқланган низом асосида иш юритади.

Бошқарув мажлислари баённомаси юритилади ва у кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ҳамда ички аудиторга талабига биноан берилади.

Жамиятда ҳозирги кунда ишлаётган ишчи-хизматчилар сони ҳақида маълумот куйидаги жадвалда келтирилган.

№	Ходимлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил 9 ой
1	Умумий сони	486	457	442
2	Ишчи хизматчилар	392	365	354
3	Мутахассислар	74	72	68
4	Маъмурий бошқарув	20	20	20

Корхона меҳнат ресурслари ва кадрлар малакаси ҳақида маълумот куйидаги жадвалда келтирилган.

№		2020 йил	2021 йил	2022 йил 9 ой
1	Ишчи хизматчилар сони (умумий)	486	457	442
2	Шу жумладан: олий маълумотлилар	71	68	65
3	Тугалланмаган олий	5	7	14
4	Урта махсус	181	181	161

**Корхона тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати:  
(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар,  
филиаллар)**

*минг.сўм*

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитали (баланс қиймати)	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2021й.	2022й.	2021й.	2022й.
<b>1. Тизимдаги корхоналар</b>								
1.	NAVOIY DON AGRO KLASTER МЧЖ	100	20000	Дон етиштириш			-	-
2.	Навбахор иссиқ нон маҳсулотлари МЧЖ	100	440641	Нон и/ч			-	-
3.	Навоий дон лаззатли нон МЧЖ	100	216804	Нон и/ч			-	-
4.	Навоий дон Олтин нон МЧЖ	100	843786	Нон и/ч			-	-
5.	Навоий дон тезкор тушлик МЧЖ	100	198653	Нон и/ч			-	-
6.	Навоий дон чорваси МЧЖ	100	231857	Чорва				
7.	Навоий хазора нон МЧЖ	100	371181	Нон и/ч				
8.	УДАЛ Навоий Дустлик нон маҳсулотлари МЧЖ	100	376086	Нон и/ч				
9.	УДАЛ Навоий нон маҳсулотлари Умид МЧЖ	100	216775	Нон и/ч				
10.	Ширмой к н мах МЧЖ	100	528332	Нон и/ч				

***1.2. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя***

Ушбу бўлимда корхона ва унинг тизимидаги ташкилотларда кадрлар сиёсати қай тарзда йўлга қўйилгани кўрсатилади. Жумладан:

корхонадаги жами штат бирликлари;      434 бирлик  
иш ўрни;      442 иш ўрни  
ходимлар сони;      442 та

ходимларнинг малакаси тўғрисида маълумотлар: олий маълумотли ходимлар 65 нафар, ўрта махсус маълумотли ходимлар 161 нафар, олий ўқув юртида ўқиётганлар 14 нафар

- ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар 325 нафар
  - бошқарувдаги ходимлар сони 20 нафар,
  - мутахассислар 68 нафар
  - техник ходимлар сони 29 нафар
- ходимларни ишга қабул қилиш тартиби;  
малака талаблари;

## Жамият кузатув кенгаши таркиби

№	Фамилия, исми ва шарифи	Иш жойи ва лавозими	Аъзолик тури
1	Каршибоев Гаффуржон Яхшибоевич	“Уздонмахсулот” АК Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқарма бошлиғи (2022 йилдан)	<a href="#">Раис</a>
2	Исмаилов Акрамжон Хошимович	“Уздонмахсулот” АК дон ва уруглик тайёрлаш бошқармаси етакчи мутахассиси (2022 йилдан)	<a href="#">Аъзо</a>
3	Шалов Достмаханбет Жумашевич	“Уздонмахсулот” АК дон махсулотларини кайта ишлаш ва махсулотларнинг янги турларини жорий этиш бошқармаси етакчи мутахассиси бошлиғи (2022 йилдан)	<a href="#">Аъзо</a>
4	Ганиев Шерзоджон Шухрат угли	“Уздонмахсулот” АК ички аудит хизмати аудитори (2022 йилдан)	<a href="#">Аъзо</a>
5	Исмоилов Шухрат Кадирович	“Уздонмахсулот” АК инвестиция ва янги технологияларни жорий этиш бошқармаси етакчи мутахассиси (2022 йилдан)	<a href="#">Аъзо</a>
6	Илхомжонов Равшн Аманович	“Уздонмахсулот” АК молия ва бухгалтерия хисоботи бошқармаси бош иктисодчиси (2022 йилдан)	<a href="#">Аъзо</a>
7	Кодиров Ойбек Тахирович	“Кизилтепа капитал курилиш” МЧЖ директори (2022 йилдан)	<a href="#">Аъзо</a>

## Жамият ижро органи таркиби

№	Фамилия, исми ва шарифи	Лавозим
1	Шарипов Шерали Исроилович	Бошқарув раиси
2	Ҳайдаров Дилмурод Истамович	Ишлаб чиқариш масалалари бўйича директор
3	Ражабов Рахматилло Исаевич	Молия ва сотиш бўйича директор
4	Турдиев Акмал Омонович	Бўлим бошлиғи
5	Йўлдошев Озод Савриевич	Бош ҳисобчи
6	Хидиров Дилшод Акрамович	Юридик хизмат бўлими
6	Одилов Акмал Сувонович	бўлим бошлиғи

**“Навойдонмахсулотлари”** акциядорлик жамияти барча ишлаб-чиқарилган махсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ҳукумат қарорларига асосан хорижий давлатларга экспорт қилиниши мумкин. Ун махсулотининг асосий истеъмолчиларини нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлар ва тадбиркорлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №57 сонли “Товар ва хом ашё материалларни сотилиш механизмларини такомиллаштириш” ва Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Адлия Вазирлигидан 07.01.2011 йилда №2178-сон билан рўйхатдан ўтган “Махсулотларни биржа савдоларига қўйиш ва қайта қўйиш тартиби” га асосан сотиш йўлга қўйилган.

Жамият маркетинг хизмати доимий равишда ички бозорни мониторинг қилиб, ишлаб чиқарилаётган махсулот миқдори, сифати ва турларини истеъмолчилар талабига мос келишини таҳлил қилиб боради.

Ун ва Омукта ем махсулоти фақатгина биржа савдолари орқали сотилади.

Корхонанинг хусусияти, республика иқтисодиётидаги (жойлашган ҳудуддаги) ўрни, аҳамияти, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг стратегик аҳамияти, шунингдек, халқаро бозордаги мавқеи ёритилади.

### ***1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими***

Жамиятга Сертификатлаш Миллий тизими томонидан 2021 йил 13 сентябрда ISO 22000:2019(ISO 22000:2018) сертификатига эга, ISO 9001:2015 энергетика менежментини жорий қилинганлиги тўғрисида сертификат мавжуд. Навойдонмахсулотлари АЖ синов лабораторияси Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида OzDST ISO/IEC 17025:2007 сертификатига эга. Шунингдек ишлаб чиқарилдиган махсулотларга мувофиқлик сертификатлар олинган.

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

### ***2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия;***

### ***2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;***

### ***2.3 Ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси;***

Корхонанинг истиқболли ривожланиш стратегияси тўғрисида қисқача маълумот, шундан 2023 йилда амалга ошириладиган ишлар ва эришиладиган натижалар кўрсатилади.

Корхонани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ислоҳ қилишдан мақсад, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари), уларнинг бажарилиши ҳолати, ислоҳ қилиш туфайли эришиладиган натижалар, жумладан, 2023 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар белгиланади.

## Ш. Бозор ва маркетинг режаси

### 3.1. Бозор таҳлили

“Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти барча ишлаб-чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ҳукумат қарорларига асосан хорижий давлатларга экспорт қилиниши мумкин. Ун маҳсулотининг асосий истеъмолчиларини нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлар ва тадбиркорлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №57 сонли “Товар ва хом ашё материалларни сотилиш механизмларини такомиллаштириш” ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Адлия Вазирлигидан 07.01.2011 йилда №2178-сон билан рўйхатдан ўтган “Маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ва қайта қўйиш тартиби” га асосан сотиш йўлга қўйилган.

Жамият маркетинг хизмати доимий равишда ички бозорни мониторинг қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори, сифати ва турларини истеъмолчилар талабига мос келишини таҳлил қилиб боради.

Асосий эътибор ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментини яхшилаш, таклиф структурасини такомиллаштириш, уни талабга қўпроқ мос тушадиган ҳолатга келтиришга қаратилади.

Шундай қилиб, Маркетинг маҳсулот сифатига, унинг рақобатбардош булишига куйиладиган узига хос талаб, турли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайдиган рағбат, аниқ талаб даражасини ҳисобга олиш ва маҳсулотларни бозор каналлари орқали мохирлик билан сотиш маҳоратидир.

### 3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ларнинг асосий истеъмолчилари, уларнинг таркиби ва гуруҳлари тўғрисида маълумотларни гуруҳлаш. Бунда:

- асосий истеъмолчилар таркиби, уларнинг салоҳияти;
- йирик истеъмолчилар талаби; *жамият томонидан биржа савдолари орқали сотиладиган маҳсулотлар фақатгина 5 тонна миқдорида ЛОТ бўйича сотиб олиниши биржа томонидан белгилаб қўйилган, бизнинг маҳсулотларимиз йирик битимлар асосида харид қилинишига йўл қўйилмайди, харидор билан сотувчи ўртасида чегараланган харидга рухсат берилади ҳолос.*

### 3.3. Рақобат

